

Шундай ҳадис борми?

20:49 / 24.04.2016 2978

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Мен овқатланаётган пайтимда ўнг қўлда овқатни, чап қўлда нонни ушлаб овқатланар эдим, бир киши бунни кўриб бу нотўғри деди ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Чап қўлда еган овқатингизни чиқариб юборинг” деган эканлар» деди. Саволим шуки, 1-шундай ҳадис борми? 2-Мени овқатланишим нотўғрими? Аллоҳ рози бўлсин.

- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам барча яхшилик, эҳтиром, хайр маъносидаги бир нарсани олиш ёки бериш, ичиш, ейиш, кийиш, ювиш каби ишларни ўнг қўл билан қилар ва ўнгидан бошлар эдилар.

Умуман, Исломда яхшилик маъноси ўнг томонга боғлаб қўйилган. Аҳли жаннатлар «ўнг томон соҳиблари» дейилади. Бу дунёда яхши амаллар билан ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари қиёмат куни ўнг томонидан берилади. Ҳатто намоздаги сафда имомнинг ўнг томонида туриш афзал ҳисобланади. Қолаверса, ҳадисда зикр қилинганидек, ҳар бир шарафли, яхшилик, поклик ва зийнат ишларини ўнг қўл билан қилиб, ўнгдан бошлашга тарғиб этилади.

Аксинча, чап тараф нохуш, нопок ишларга хос қилинган. Аҳли дўзахлар «чап томон соҳиблари» дейилади. Бу дунёда ёмон ишлар билан ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари охиратда чап қўлларидан (томонларидан) берилади.

Нопокликдан тозаланиш, масалан, истинжо, аъзолардаги нопокликни кетказиш, бурун қоқиш каби ишлар чап қўл билан қилинади.

Бу кўрсатмаларга риоя қилиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига риоя қилишдир, Ислом маданиятининг рамзларидандир. Кўпчилигимиз бу нарсаларнинг фарқига бормаимиз. Ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилаверамиз. Бу билан аввало Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига, исломий одобларга хилоф иш қилган бўламиз. Қолаверса, Ислом маданиятидан хабардор кишилар ҳузурида ким эканимизни ошкор қилиб қўямиз.

Бу одобларга мунтазам амал қилиш лозим. Агар айтиш жоиз бўлса, бу нарсалар мусулмон маданиятининг белгилари, мусулмонларни бош-қалардан ажратиб турадиган хусусиятлардандир.

Шунинг учун таом ва ичимликни оғизга олиб боришда ўнг қўлни ишлатиш лозим. Сиз нотўғри қилгансиз.

Таом ўнг қўл билан ейлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом барча ишларни ўнгдан бошлашни яхши кўрар, шу каби таомни ҳам ўнг қўллари билан ер эдилар.

Умар ибн Абу Салама розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қарамоғидаги бола эдим. Қўлим товоқда бориб-келар эди. Шунда у зот менга: «Эй ғулом! «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдингдан егин!» дедилар. Шундан сўнг ейишим шундай бўлди».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилганлар.